ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ ШУХРАТ БЕКМЕТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

11.00.02 – Иктисодий ва ижтимоий география

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on geographical sciences

Куроонов Шухрат Бекметович	
Ўзбекистон қишлоқ туманлари ривожланишининг иқтисодий географи	1K
хусусиятлари	
Курбонов Шухрат Бекметович	
Экономико-географические особенности развития сельских районов	
Узбекистана	
Kurbonov Shuxrat Bekmetovich	
Economic-geographical features of the development of rural areas of	
Uzbekistan	35
Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of published works	39
1	

2

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУРБОНОВ ШУХРАТ БЕКМЕТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ТУМАНЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

11.00.02 – Иктисодий ва ижтимоий география

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

З География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/G1 раҳам билан рўйҳатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб -саҳифанинг nauka@nuu.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи:

Солиев Абдусами Солиевич

география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Қаюмов Абдухаким Абдухамидович география фанлари доктори, профессор

Азимов Шухрат Акромович география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Нукус давлат педагогика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги	DSc.	
27.06.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «»	соат	даги
мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4	1 уй. Тел.:	
(+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik		
geografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, Геология ва го	еография	

факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ ___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2017 йил «__»____ да тарқатилди. (2017 йил « » даги -рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н.

А.А.Қаюмов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

4

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё ахолисининг 49 фоизи кишлок жойларда истикомат килади, шунингдек, жахон иктисодий фаол ахолисининг 2,6 миллиард кисми ёки 38 фоизи бевосита кишлок хўжалик ишлаб чикариши билан банд. Бу эса, кишлок жойларнинг иктисодий салохиятини тадкик этиш, бахолаш ва улардан окилона фойдаланишни долзарб масалалардан бири килиб белгилайди¹.

қишлоқ Мамлакатимиз мустақилликка эришгач жойларда туб ислохотларни амалга ошириш, кишлок ахолиси турмуш даражасини шахарларга якинлаштириш, кишлокларни саноатлаштириш каби масалаларга «Юртимизда 2009 йилнинг «Кишлок алохида эътибор қаратилмоқда. тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши ва тегишли Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди. Буларнинг барчаси қишлоқ ахолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шахар шароитига якинлаштиришга хизмат килади»².

Жаҳонда қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш хусусан, агротуризмни шакллантириш, агросаноат кластерларини такомиллаштириш,

инвестиция муҳитини яхшилаш, ижтимоий-экологик вазиятни яхшилашга устувор аҳамият берилмокда. Бу борада республикамизда ҳам жойлардаги инфратузилмани яхшилаш, транспорт ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фермерчиликни юқори даражада ташкил этиш, замонавий уй-жой қурилишини олиб бориш каби ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдикланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясининг «Ижтимоий сохани ривожлантириш» йўналиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 9 сентябрдаги «2016-2018 йилларда Тошкент вилояти шаҳарлари ва туманларини комплекс ривожлантириш чора тадбирлари дастури тўғрисида»ги 291-сон қарори, 2016 йил 4 майдаги «Қишлоқ жойлардаги аҳолига сервис хизмат кўрсатишни яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 139-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг І. «Демократик ва хукукий жамиятни маънавий-аҳлоқий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофик бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақил Давлатлар Қамдўстлиги мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий география фанида қишлоқ жойлар географияси йўналишининг асосчиси сифатида Москва Давлат университетининг профессори С.А.Ковалёв эътироф этилади. С.А.Ковалёв 1946-1963 йиллар оралиғида ўзининг номзодлик ва докторлик диссертацияларида, қатор илмий монография ва мақолаларида қишлоқ жойлар географиясини алоҳида илмий йўналиш сифатида асослаб берган ва бу тадқиқот соҳасининг методологиясини яратган.

Кейинчалик бу йўналишдаги аҳамиятли изланишларни Б.С.Хорев, А.И.Алексеев, И.К.Орфанов, Т.Г.Нефёдова, Е.Е.Лейзерович, О.С.Русинова ва бошқа олимлар давом эттиришган ва шуғулланиб келмоқдалар. Ўзбекистонда қишлоқ жойлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг географик жиҳатлари З.М.Акрамов, Р.Валиева, Э.Ташбеков, Г.Р.Асанов, О.Б.Ота-Мирзаев, Ю.И.Аҳмадалиев, Е.К.Умаров, А.С.Солиев, А.А.Қаюмов,

5

¹ United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division. 2014. ² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир – Т.: Ўзбекистон, 2010, б. 70.

М.И.Назаровларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларнинг муаммоларини ўз номзодлик диссертациялари доирасида Р.Й.Маҳамадалиев, М.И.Назаров, А.Сатторовлар томонидан ўрганилган. Алоҳида қишлоқ маъмурий туманлар К.Гадоев, Ж.Мусаев, Ҳ.Омоновларнинг номзодлик диссертацияларида тадқиқот объекти вазифасини ўтаган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадкикотлар институти томонидан Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларига бағишланган ишланмалар тайёрланган ва чоп этилган.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг ишларида кўпрок маълум вилоятлардаги кишлоқ ахоли пунктларининг шаклланиши ва жойланиши ёки алохида кишлоқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммолари тадқиқ килинган. Аммо, иктисодий географик тадкикотларда кичик худудлар хисобланган кишлок туманлари республикамиз ва вилоятлар микёсида ўзига хос худудий ижтимоий-иктисодий тизим сифатида кам ўрганилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадкикот ишлари билан боғликлиги Диссертация тадкикоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадкикот ишлари режасининг ОТ-Ф6-045 «Ўзбекистон худудлари ижтимоий-иктисодий ривожланишининг географик муаммолари» (2007-2011 йй.) мавзусидаги фундаментал тадкикотлар давлат лойихаси доирасида бажарилган.

Тадкикотнинг максади Ўзбекистон Республикаси қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий ҳусусиятларини очиб бериш ҳамда мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

6

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишларини ажратиш ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

қишлоқ жойларни иқтисодий географик тадқиқ қилишнинг назарий услубий асосларини таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

республика қишлоқ туманлари иқтисодий географик салоҳияти, минтақавий иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқлари – қишлоқ хужалиги ва саноатда иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражасини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

қишлоқ аҳолиси жойлашуви шакллари нуқтаи назаридан республика қишлоқ туманларини гуруҳлаш ва таснифлаш;

Хоразм вилояти мисолида қишлоқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

ижтимоий сохаларни худудий ташкил этишнинг поғонасимонлик хусусиятини очиб бериш;

республика қишлоқ туманлари ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий

ва экологик муаммоларини аниклаш ҳамда уларнинг ечими бўйича илмий амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чикиш.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.

Тадқиқотнинг предмети мамлакат қишлоқ маъмурий туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг омиллари, жараёнлари ва муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда географик таққослаш, статистик, картографик, математик, тарихий, типология ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Карталар махсус Corel DRAW ҳамда Mapinfo дастурларидан фойдаланған ҳолда яратилган.

Тадкикотнинг илмий янгилиги:

қишлоқ туманларини йирик масштабли иқтисодий-географик тадқиқ қилишнинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилган; қишлоқ туманларининг иқтисодий-географик салоҳиятини баҳолаш ва ундан фойдаланиш даражасини аниқлаш методикаси таклиф қилинган индикатор ва индекслар мажмуи асосида такомиллаштирилган; республика қишлоқ туманларида турли табиий географик шароитларда вужудга келган қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг жойлашув шакллари аниқланган;

Ўзбекистон қишлоқ туманларининг иқтисодий фаоллигини аниқлаш мезонлари ва уни ҳисоблаш усули асосланган;

қишлоқ туманлари ва уларнинг маъмурий марказларини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

қишлоқ маъмурий туманларининг иқтисодий географик салоҳиятини, уларнинг хўжалигида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш даражасини

бахолаш услубиёти махсус микдорий кўрсаткичлар (индекслар) мажмуи кўринишида таклиф килинган;

микдорий мезонлар асосида хозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси кишлок туманлари хўжалигининг таркибий тузилиши ва ихтисослашуви жихатидан классификацияси ишлаб чикилган;

Ўзбекистон қишлоқ туманлари қишлоқ аҳоли пунктларининг таркиби ва жойлашуви жиҳатидан таснифланган;

қишлоқ туманларининг иқтисодий фаоллигини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

илк бор Ўзбекистон қишлоқ туманларининг қишлоқ аҳоли жойлашуви шакллари бўйича типлари ва туманлар маъмурий марказларида аҳоли мужассамлашуви хариталари тузилган;

республика қишлоқ туманлари ва уларнинг маъмурий марказлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий муаммолари аниқланган, уларнинг ечимига оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадкикот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши

7

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти материаллари, шунингдек, муаллифнинг бевосита ўрганилаётган ҳудудларда кузатув ишлари асосида бажарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий тизимларини типологик, математик-статистик ва картографик усуллар ёрдамида тадқиқ этишда методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика қишлоқ туманларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шунингдек муайян тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда асос сифатида ҳамда республика олий таълим тизими тегишли йўналишларида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадкикот натижаларининг жорий килиниши. Қишлоқ туманлари ривожланишининг иктисодий-географик хусусиятлари бўйича берилган таклиф ва тавсиялар асосида:

қишлоқ туманларини йирик масштабли иқтисодий-географик тадқиқ қилишнинг такомиллаштирилган илмий-услубий асослари Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (O'zStandart Давлат агентлигида 2014 йил 10 октябрда O'zDSt 36.1559:2014 №5181 қайд рақами билан руйхатга олинган). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши бакалавриат таълим йуналишида (5140600-География) «Социал география», «Географик тадқиқот усуллари» фанларининг назарий ва амалий аҳамиятини оширишга, хусусан, қишлоқ жойлар географиясини тадқиқ қилишда янги ёндашув асосида мамлакатимиз таълим муассасаларида бакалаврларнинг билим ва куникмаларини оширишга хизмат қилган;

8

қишлоқ туманларининг иқтисодий-географик салоҳиятини баҳолаш ва ундан фойдаланиш даражасини аниқлаш методикаси Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 24 январдаги 01/72-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий ишланмадан фойдаланиш республика қишлоқ туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтингини ишлаб чиқиш ҳамда Мўйноқ, Қўнғирот, Шуманай, Чимбой, Қораўзак, Қонликўл ва Тахтакўпир туманларида мавжуд иқтисодий географик салоҳиятдан фойдаланиш даражаси нисбатан паст эканлигини аниқлашга имкон берган.

республика қишлоқ туманларида турли табиий географик шароитларда вужудга келган қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг жойлашув шаклларини ажратиш ва асослаш борасидаги таклифлар Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қумитаси амалиётига тадбиқ этилган

(Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қумитасининг 2016 йил 17 октябрдаги №02-03-5273-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши «Ўзбекистон аҳоли харитаси» ва илк бор тузилган «Ўзбекистон қишлоқ туманларининг қишлоқ аҳоли жойлашуви буйича типлари харитаси»ни ишлаб чиқишда асос булиб хизмат қилган;

қишлоқ туманларининг иқтисодий фаоллигини аниқлаш мезонлари ва уни хисоблаш усули «Миллий иктисодиётни модернизациялаш шароитида минтака бозор инфратузилмасини ривожланиши» мавзусидаги фундаментал лойихасида фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиклаштириш кумитасининг 2016 йил 8 ноябрдаги ФТК-03-13/777-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш мамлакатимизда кишлок туманларининг иктисодий фаоллиги буйича рейтинг уринларини улар асосида кишлок жойларни ижтимоий-иктисодий аниклаш ривожлантириш чора-тадбирларини таклиф қилиш имконини берган;

қишлоқ туманлари ва улар марказларининг долзарб ижтимоий иқтисодий муаммолари ва уларнинг ечими бўйича ишлаб чикилган илмий амалий Коракалпогистон Республикаси таклиф тавсиялардан Иктисодиёт томонидан фойдаланилган (Коракалпоғистон Республикаси вазирлиги вазирлигининг 01/72-сонли Иктисодиёт 2017 йил 24 январдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий килиниши Ўзбекистон Республикаси Махкамасининг Вазирлар «2011-2013 йилларда Республикасининг Коракалпогистон ижтимоий Шуманай туманини иқтисодий ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги 48 (444)-сонли қарорини бажарилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадкикот натижаларининг эълон килинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 51 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг

докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та макола, жумладан 19 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, туртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг хажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

9

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Йирик масштабли иктисодий ва ижтимоий географик тадкикотларнинг назарий-услубий асослари» деб номланган биринчи бобида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, аксарият фанларнинг шаклланиши ва ривожланишига жамиятда бўлаётган ижтимоий иктисодий вокеа-ходисаларнинг тезлик билан вакт давомида узлуксиз ўзгариб бориши бевосита таъсир кўрсатади. Маълумки, иктисодий ва ижтимоий география фанининг ривожланиши, унинг тадкикот доираси, объекти ва предметидаги ўзгаришларга ишлаб чикариш кучларининг ривожланиши ва жойланишидаги ўзгаришлар таъсир кўрсатган.

Мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси шароитида иктисодий ва ижтимоий географик тадкикотларнинг асосий йўналишлари ва ривожланиш тенденциялари тахлил килинди. Тахлилларга кўра, республикамизда бу борадаги тадкикотлар асосий бешта йўналишларда амалга оширилган, улар бўйича илмий изланишлар олиб борган олимлар диссертацияда махсус схематик тарзда кетма-кетликда келтирилди. Шунингдек, иктисодий ва ижтимоий географиянинг мамлакатимизда эволюцион тарзда ривожланиб келганлиги илмий-тарихий ва мантикий жихатдан асосланди.

Шу билан бирга, қишлоқ туманларини йирик масштабли иқтисодий географик тадқиқ этишнинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилди. Қишлоқ туманларини ўзига хос худудий ижтимоий-иқтисодий тизим ва ишлаб чиқариш мажмуаси шаклида йирик масштабли иқтисодий-географик тадқиқот объекти сифатида танлашнинг қуйидаги асослари мавжудлиги таъкидланган: табиий шароити ва табиий ресурсларнинг, географик ўриннинг умумийлиги; тарихий географик ривожланиш хусусиятлари; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма бирлиги; аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларининг жойланиш тизими; хўжалигининг ихтисослашуви;

маъмурий бошқариш ташкилотларининг мавжудлиги; тегишли статистик маълумотларни олиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий карталарни тузиш

10 имкониятлари ва бошқалар.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ туманларининг умумий иқтисодий-географик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида келтирилган тадқиқот натижаларида мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмаси сиёсий географик объект сифатида ўта мураккаб тизим эканлиги, унинг шаклланиши бир қанча тарихий, сиёсий, иқтисодий, географик ва бошқа омилларга боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқот объекти сифатида олинган қишлоқ туманларининг ташкил топиши, сонидаги кўпайиш ёки камайишнинг асосий сабаблари собик Иттифок давридаги бошқариш соҳасидаги ислоҳотлар, янги ерларни

ўзлаштириш билан боғлиқлиги ўрганилди. Демак, республикамиз маъмурий худудий тузилиши замон ва макон нуқтаи назаридан ўзгариб борган ва ўз даврининг сиёсий-ижтимоий тизими, қўйилган вазифалар, ишлаб чиқаришни худудий ташкил этилиши каби омиллар билан боғлиқ бўлган.

Худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини бахолашда бир катор кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин. Диссертацияда айнан кишлок туманлари – кичик худудлар иктисодий-географик салохияти ва ундан фойдаланишнинг интенсивлигини бахолашнинг махсус методикаси ишлаб чикилди. Бунда республика кишлок туманларининг иктисодий-географик салохиятини ўзаро таққослашда қўлланилиши мумкин бўлган, худудларнинг махсулот ва хизматларни ишлаб чикариш салохиятини ўзида акс эттирадиган жамлама индикатор сифатида ишлаб чикарилган махсулот ва пуллик хизматлар умумий хажми (ИЧМПХУХ) кўрсаткичи таклиф килинди. Бу катталик туманда ишлаб чиқарилган махсулот (саноат, қишлоқ хўжалиги) ва хизматлар (чакана савдо ва пуллик хизматлар) умумий хажмининг Туманларнинг ўз вилояти хўжалигидаги худудий йиғиндисига тенг. иктисодий мавкеи уларнинг вилоят ИЧМПХУХдаги нисбий улуши оркали аниқланади.

Шу билан бирга, қишлоқ туманларида иқтисодий ресурслардан интенсивлигини аниклаш мақсадида туман худудининг иқтисодий зичлик индекси, туманда меҳнат унумдорлигининг умумий индекси ва туман иктисодиётида капитал кўйилмалардан фойдаланиш самарадорлигининг индекси таклиф этилди. Мазкур индекслар асосида Хоразм вилояти қишлоқ туманларида иқтисодий ресурслардан фойдаланиш интенсивлиги хисобланган (жадвал). Шунингдек, туманлар саноати ва кишлок хўжалигида турли иқтисодий ресурслардан фойдаланиш интенсивлигини хисоблаш учун хам қатор индекс ва уларнинг аниқлаш формулалари ишлаб чикилди.

Ўзбекистон қишлоқ туманлари хўжалигининг ихтисослашуви жиҳатидан ялпи саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўзаро нисбати асосида тўртта гуруҳга — индустриал, индустриал-аграр, аграр-индустриал ва аграр туманларга ажратилган. Гуруҳларга ажратишда миҳдорий асос сифатида туманлар бўйича 2004-2014 йилларда ўртача ҳайд этилган саноат ва ҳишлоҳ хўжалик ишлаб чиҳаришнинг умумий ҳажмида индустриал секторнинг улуши олинган. Индустриал типга мансуб туманларда бу

11

Жадва $^{
m Л}$

интенсивлиги (2014 й.)

Хоразм вило	ояти кишлок	туманлај	рид	ıa ı	ик	ГИС	сод	ιий	í p	ec	yp	СЛ	арда	н фойдалани ^Ш
•	\ %												1 0	•

V [¢]	1	1	0	1	1	0	0	0	0	0	2	1,0 0
	,	,	,	,	,	,	,	,	,	,	5	0


		0	0	9	0	0	9	6	4	7	7	,	
		1	0	2	6	0	0	0	9	0	4	2	
ин	٧,	1	1	0	1	1	1	0	0	0	0	0	1,0
дек		,	,	,	,	,	,	,	,	,	,	,	0
си		5	6	7	2	4	3	8	5	9	7	3	
(,		2	1	8	4	1	6	5	2	0	2	5	
)	инвестиция	4	3	1	7	4	4	4	5	6	1	2	10
Иқ	ларда	,	,	0	,	,	,	,	,	,	5	9	0
ти	туманнин $^{\Gamma}$	0	6	,	0	6	1	1	6	0	,	,	
co	иқтисодиёт			7							4	6	
ди	_{иг} а												
ёт	улуши, %												
ни	киритилг												
НГ	a^{H}												
ка	$\mathrm{Вилоя}^{\mathrm{T}}$												
пи													
та	улуши, %	6	5	8	8	6	5	3	2	5	1	3	10
Л	Туманнин ^г	,	,	,	,	,	,	,	,	,	1	6	0
қў	ИЧМПХ	1	8	4	7	5	6	5	9	4	,	,	
йи	yX										1	0	
ЛМ	вилоятд ^а												
ала													
рда													
Н													
фо													
йда													
лан													
иШ													
3.6	۸.	^	^	^	^			^		^	1	_	1.0
M		0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	3	1,0
еҳ		,	,	,	,	,	,	,	,	,	,	,	0
на		6	6	8	8	6	5	4	5	5	1	3	
Т		8	2	6	2	5	9	9	2	9	8	9	

ун	улуши,%	9	9	9	1	1	9	7	5	9	9	1	10
ум	туманнин $^{\Gamma}$,	,	,	0	0	,	,	,	,	,	0	0
до	ахолисид	0	3	7	,	,	5	1	6	2	4	,	
рл	a				6	0						6	
ИГ	иқтисоди ^й												
И	Вилоя ^Т												
ум	фао ^Л												
ум	улуши, %	6	5	8	8	6	5	3	2	5	1	3	10
ий	Туманнин ^г	,	,	,	,	,	,	,	,	,	1	6	0
ин	ИЧМПХ	1	8	4	7	5	6	5	9	4	,	,	
де	$\mathbf{y}^{\mathbf{X}}$										1	0	
кс	вилоятд ^а												
•													
Ху	γĴ	0	0	1	1	0	0	0	0	0	0	7	1,0
ду		,	,	,	,	,	,	,	,	,	,	2	0
дн		8	7	1	1	9	7	4	4	6	3	,	
ин		3	9	3	4	1	4	6	4	1	2	0	
Γ												0	
иқ	0/	7	1	7	7	1	J	7		0	1	0	10
ти	улуши,%	7	7	7	7	7	7	7	6	8		0	10
co	туманнин г	,	,	,	,	,	,	,	,	,	4	,	0
ди	_{худудид} а	3	3	4	6	1	6	6	6	9	,	4	
й	Вилоя $^{\mathrm{T}}$										6		
3И													
чл	улуши, % г	6	5	8	8	6	5	3	2	5		3	10
ик	Туманнин	,	,	,	,	,	,	,	,	,	1	6	0
ИН	вилоятд ^а	1	8	4	7	5	6	5	9	4	,	,	
де	ичмпх										1	0	
кс	yX												
ارْ ً													

٧)												
туманлар ^и	Б	Γ	У	X	X	0	Я	Я	Қ	X	У	ви
Қишло ^қ	o	у	p	И	o	В	Н	Н	ÿ	a	p	ло
	F	p	Γ	В	Н		Γ	Γ	Ш	3	Γ	яТ
	o	Л	a	a	қ	т Ц	И	И	К	o	a	Ж
	Т	ан	Н Ч		a		a	б	ÿ	p	Н	a
		п	4				p	o	П	a	Ч	M
							И	3	И	c	Ш	И
							Қ	0	p	П		
								p			-	

- 0,50 дан пас^Т





- 2,00 дан юқори;

Изох: Ишлаб чиқарилган махсулот ва пуллик хизматлар умумий ҳажми (ИЧМПХУХ) йил давомида ишлаб чиқарилган саноат, қишлоқ ҳўжалиг^И

махсулоти, кўрсатилган чакана савдо ва пуллик хизматларни қўшган холда хисоблаб чиқилган.

Жадвал Хоразм вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан

тузилган.

12

кўрсаткич 90,0 фоиздан юқори, индустриал-аграр туманларда 50,1-90,0 фоиз оралиғида, аграр-индустриал туманларда у 20,1-50,0 фоизгача етади, саноатнинг ҳиссаси 20,0 фоиздан кам бўлган туманлар эса аграр туманлар


қаторини ташкил этади. Бу типология Ўзбекистон иқтисодиёти ҳудудий таркибининг бир кўриниши сифатида қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон қишлоқ туманларининг табиий-хўжалик шароити турли туманлиги боис, улардаги аҳоли манзилгоҳларининг жойлашуви ва таркиби бир-биридан анча фарқ қилади.

Тадқиқот доирасида республика қишлоқ туманларидаги қишлоқ ахоли пунктларининг зичлиги ва ахолийлиги кўрсаткичлари математик-статистик жихатдан тахлил қилинди ва ушбу индикаторлар асосида туманлар таснифланди. Қишлоқларнинг зичлигини топишда хар 1000 га хайдаладиган ерларга (Конимех, Томди ва Учкудук туманларида чўл-яйлов чорвачилигига ихтисослашганлиги учун жами қишлоқ хўжалик ерлари майдони олинган) тўғри келадиган қишлоқлар сони асос қилиб олинди. Қишлоқларнинг ўртача ахолийлиги, яъни битта қишлоққа тўғри келувчи ўртача ахоли сони эса, жами қишлоқ ахолисининг қишлоқлар сонига нисбати орқали аникланди.

Типларнинг бир бутунлигини объектив асослаш мезони сифатида статистик кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлик коэффициенти, яъни қаторнинг ўртача квадратик четланиши кўрсаткичнинг ўртача арифметик қийматига нисбати олинган. Бу катталик 33 фоиздан ошмаган холда, туманларнинг ажратилган типи статистик жихатдан яхлит қатор бўлади. Тахлиллар натижасида республикадаги 157 та қишлоқ маъмурий туманлари қишлоқ жойларининг худудий таркиби жихатидан 12 та типга ажратилди (расм). Бу типология қишлоқ жойларини қиёсий-географик жихатдан тадқиқ этишда методик асос сифатида хизмат қилади.

Диссертациянинг «Кишлок туманлари ижтимоий-иктисодий ривожланиши ва демографик вазиятининг минтакавий хусусиятлари (Хоразм вилояти мисолида)» деб номланган учинчи бобида ахоли сони, ахоли жойланишига таъсир этувчи омиллар, кишлок жойлар демографик вазияти ва ахоли жойлашувининг асосий типлари Хоразм вилояти кишлок батафсил тахлил килинган. туманлари мисолида Мазкур тадқиқотлардан маълум бўлдики, хар қандай маъмурий бирликнинг оптимал даражаси бўлгани маъкул. Майдони катталиги бошқарувни, турли хил хизматлар кўрсатишни кийинлаштиради, майдони кичик ёки ахоли сонининг кўплиги худудга антропоген босимнинг юқори бўлишига, үй-жой масалаларига катта таъсир килади.

Ахолига хизмат кўрсатиш соҳаларини жойлаштириш поғонасимон тизим кўринишида ташкил топади. Бунда, энг аввало, аҳоли жойлашуви, аҳоли манзилгоҳларининг катта-кичиклиги, уларнинг функцияси ва транспорт билан таъминланиш даражаси асосий ўрин эгаллайди. Бу В.Кристаллернинг "марказий жойлар" ғоясига биноан, майда аҳоли пунктларида хизмат кўрсатишнинг энг қуйи босқичи жойлашади, катталашиб борган сари уларда ташкил этилган бу соҳаларга тегишли объектлар ҳам катталашиб боради.



Расм. Ўзбекистон қишлоқ туманларининг қишлоқ аҳоли жойлашуви бўйича типлар $^{
m U}$

14

Масалан, таълим тизимида ахоли пунктларининг катталашиб бориши

билан мактаблар сони, тури ва тўри ўзгариб боради: мактабгача таълим → бошланғич мактаб → ўрта мактаб → коллеж ва академик лицейлар → олий ўкув юртлари ва академиялар шаклида бўлиши мумкин.

Ижтимоий соҳалар орасида таълим, соғлиқни сақлаш, савдо, пуллик хизматлар ҳамда маиший хизмат кўрсатиш муҳим ўрин тутади. Маълумки, ҳар бир мамлакат ёки минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида унинг таълим тизими алоҳида мавқега эга. Чунки, мамлакат истиқболи, ёш авлод келажаги, уларнинг интеллектуал салоҳияти бевосита таълим тизимига боғлиқ. Ижтимоий соҳалар ривожланишида аҳолига пуллик хизмат, чакана савдо катта аҳамиятга эга.

Жами хизматлар кўрсатишда умумий қонуният шундан иборатки, вилоят марказлари, йирик шаҳарлар ёки пойтахтга туташ маъмурий бирликларда (кишлок туманларда) ижтимоий соҳалар кўрсаткичлари паст даражада бўлиши мумкин. Чунки, аҳоли мазкур соҳалардаги эҳтиёжларини бевосита танлаш имконияти юқори бўлган ўзларига яқин бўлган "марказларда" қондиради.

Диссертациянинг «Республика кишлок туманлари ривожланишининг асосий муаммолари ва истикбол йўналишлари» деб номланган тўртинчи бобида қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий вазиятининг муаммоли жихатлари ривожлантиришнинг келажак истикболлари аникланган. республика Шунингдек, кишлок туманлари маъмурий марказлари ижтимоий-иктисодий ривожланишининг муаммолари устувор йўналишлари белгиланган. Бунда асосий эътибор кишлок туманларида ахолининг тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаши, таълим тизими билан қамраб олинганлиги кабиларга қаратилган.

Юқоридагилар билан бирга, мазкур бобда туман маъмурий марказлари, яъни район хосил қилувчи таянч нуқталарини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилди. Туман марказларининг салоҳияти, бошқара олиш қобилиятини туман аҳолисининг қанча қисми марказда истиқомат қилиш кўрсаткичи маълум даражада акс эттиради. Бу борада аҳолининг туман марказида анча юқори ёки жуда паст даражада мужассамлашуви ижобий ҳол эмас. Кўпайиб кетиши асосий салоҳиятни битта жойда йиғилишига олиб келиб, қолган манзилгоҳларнинг ривожланишига тўсиқ бўлади.

Туман аҳоли сонида марказнинг улуши ўта кичик бўлиши марказий пунктнинг иқтисодий-географик салоҳияти пастлиги, ҳудуд аҳолисига талаб даражасида хизмат кўрсатишга кучи етмаслигини кўрсатади.

ХУЛОСА

- 1. Сўнгги йилларда иқтисодий ва ижтимоий географияда кичик объект, худудларни тадқиқ этиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этмокда. "Кичик ҳудудлар" тушунчаси, унинг географик кўлами бўйича нисбий маънога эга. Табиий географиядан фарқ қилиб, иқтисодий ва ижтимоий география фанининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда ҳудудларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиши нуқтаи назаридан "кичик ҳудудлар" тушунчасини қишлоқ туманларига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ.
- Диссертацияда 2. ижтимоий-иктисодий кишлок туманлари ривожланишини тахлил хамда кичик худудлар иктисодий килишда салохиятини ўзаро таққослашда қўлланилиши мумкин бўлган жамлама индикатор сифатида ишлаб чикарилган махсулот ва пуллик хизматлар умумий хажми (ИЧМПХУХ) кўрсаткичи таклиф килинди. Худудларда иктисодий ресурслардан фойдаланиш интенсивлигини аниклаш максадида туман худудининг иктисодий зичлик индекси, туманда мехнат унумдорлигининг умумий индекси ва туман иктисодиётида капитал куйилмалардан фойдаланиш самарадорлиги индекси ишлаб чикилди. Шунингдек, туманлар саноати ва кишлок хўжалигида турли иктисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини хисоблаш учун хам қатор индекс ва уларнинг аниқлаш формулалари ишлаб чикилди. Таклиф этилган кўрсаткичлар ва уларнинг хисоблаш услубиёти иктисодий-географик тадкикотларда ва бошкарув амалиётида кичик худудларнинг ижтимоий иктисодий ривожланиши тахлил қилишда қўлланилиши тавсия этилади.
- 3. Ўзбекистон қишлоқ туманлари иқтисодиётининг ихтисослашуви ва тармоқлар таркиби ўрганилди, улар 4 та гурухга ажратилди: индустриал, индустриал-аграр, аграр-индустриал ва аграр туманлар. Бундай бўлинишни республикамизда амалга оширилаётган миллий иқтисодиётни диверсификациялаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ жойлар иқтисодиётини саноатлаштириш каби кенг миқёсдаги сиёсатни амалга оширишда ҳисобга олиш зарур.
- 4. Республика туманлари қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг таркиби ва жойлашуви нуқтаи назаридан 12 та типологик гуруҳга ажратилди. Туманлар кесимида қишлоқлар аҳолийлиги ва зичлигида катта ҳудудий тафовутлар мавжудлиги аниқланди. Бу ҳудудий таснифлаш ишлаб чиқариш ва инфратузилмани ташкил этиш жараёнида ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.
- 5. Республика туманларини иқтисодий-географик жиҳатдан тадқиқ қилишнинг янги услубий воситаси ҳудудларнинг иқтисодий фаоллигини баҳолаш методикаси ишда асослаб берилди, қатор статистик кўрсаткичлар

- ёрдамида Ўзбекистон бўйича ва, хусусан, Хоразм вилояти қишлоқ туманлари доирасида қўлланилди. Жумладан, вилоят қишлоқ туманларининг таклиф этилган методика орқали иқтисодий фаоллигини аниқлаш ишлари минтақанинг иқтисодий маркази ва перифериясини ажратишга ва минтақавий сиёсат чора-тадбирларини худудий жиҳатдан табақалашган ёндошув асосида белгилаб беришга имконият берди.
- 6. Республика қишлоқ маъмурий туманлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қатор долзарб муаммолари ажратилди ва худудий жиҳатдан таҳлил қилинди. Республиканинг 157 та қуйи маъмурий тумани шу муаммоларнинг кескинлик даражаси бўйича гуруҳлаштирилди. Статистик материаллар асосида бажарилган бу географик классификациялар қишлоқ жойларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини оптималлаштириш чора тадбирларини белгилашда ҳудудий табақаланиш омилларини ҳисобга олишни тақозо этади.
- 7. Республиканинг деярли барча қишлоқ туманларида меҳнат ресурслари кўп, уларнинг сони ўсиб бормокда. Бинобарин, иш ўринларини кўпайтириш, маҳаллий меҳнат анъаналаридан фойдаланган ҳолда касаначиликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, касб-хунар коллежларини ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик вазиятидан келиб чиққан ҳолда, жойлаштириш ва ихтисослаштиришни зарур қилиб қўяди.
- 8. Қишлоқ жойларда бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ижтимоий-иқтисодий ривожланишига тегишли айрим кластерларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Бу хусусда, жумладан, суғорма деҳқончилик ва агросаноат мажмуаси кластери долзарб ҳисобланади. Унда қишлоқ туманлари иқтисодиётини ўзига хос ишлаб чиқариш мажмуи сифатида шакллантириш, агроиқтисодиёт тизимини технологик жиҳатдан энергия ишлаб чиқариш цикли шаклида ривожлантириш яхши натижа беради.
- 9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ туманлари бошқа хусусиятлари билан бир қаторда марказларининг маҳаллий ижтимоий-иқтисодий тизимлардаги роли ва аҳамияти, унинг бажарадиган функциялари таркиби ва таъсир кўлами билан бир-бирларидан анча фарқ қилади. Жумладан, диссертацияда аҳоли мужассамлашуви, ижтимоий ва ишлаб чиқариш функцияларнинг заифлиги билан ажралиб турадиган 50 та туман марказларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу аҳоли пунктларининг ҳудудий иқтисодий салоҳияти ва мақомини оширишнинг асосий йўналиши яқинидаги йирик шаҳарлардан айрим ишлаб чиқариш ва социал объектларни кўчириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш билан боғликдир.
 - 10. Келажакда республика қишлоқ туманларини иқтисодий-географик

функцияларига жиддий аҳамият бермоқ лозим. Шунингдек, кичик ҳудудларнинг йирик масштабли карталарини яратиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда ҚФЙ ва ҚАП жойланиши ва ривожланишини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

КУРБОНОВ ШУХРАТ БЕКМЕТОВИЧ

ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКИХ РАЙОНОВ УЗБЕКИСТАНА

11.00.02 – Экономическая и социальная география

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2017

19

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/G1

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трях языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу nauka@nuu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz.

TT U	
Научный	консультант:
IIM, IIIDIII	Koncyabiani.

Салиев Абдусами Салиевич

доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: Каюмов Абдухаким Абдухамидович доктор географических наук, профессор

Азимов Шухрат Акрамович кандидат географических наук, доцент

D	TT	U T		U	
Ведущая организация:	HVK	исскии Гос	супарственный	пелагогическии	институт
осдущим организацим.	11 y IX y	comm i oc	сударственный	подагоги тескии	micini

Защита диссертации состоится «	>>>	_2017 г. в	_часов на
заседании Научного совета DSc.27.06.2017	⁷ .G.01.06. при На	щиональном уг	ниверситете
Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул.	Университетска	я 4. Тел.: (9987	1)227-12-24,
факс:(99824) 246-53-21; 246-02-24. Е-таіl:	ik-geografiya.nu	uz@mail.ru. Гес	олого и
географический факультет Национального	университета У	збекистана,).	

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № _____). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Административное здание Национального университета Узбекистана.

Автореферат диссертации разослан «__» _____2017 года. (реестр протокола рассылки № от « » _____2017 года.)

Н.И.Сабитова

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов

Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.г.н.

А.А.Каюмов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день, по данным Организации Объединённых Наций, 49 процентов мирового населения проживает в сельской местности. Вместе с тем, 2,6 миллиардов человек, или 38 % экономически активного населения мира, занято в сельскохозяйственном производстве. Это определяет исследование, оценку экономического потенциала сельской местности, его рациональное использование в качестве одной из актуальных проблем³.

В нашей стране после обретения независимости особое внимание уделяется таким вопросам, как коренное реформирование сельской местности, приближение уровня жизни сельского населения к городу, индустриализация нашей стране 2009 года «Годом развития и села. «Объявление В благоустройства села», принятие в связи с этим Государственной программы стало началом долгосрочной целенаправленной работы по коренному преобразованию и обновлению облика наших сёл на основе современной архитектуры и промышленности, созданию жилищных, социальных и коммунальных объектов, коммуникаций. Всё это служит росту уровня жизни сельского населения и приближению условий жизни на селе к городу».4

В мире уделяется приоритетное внимание социально-экономическому развитию села, в частности, развитию агротуризма, совершенствованию агропромышленных кластеров, улучшению инвестиционной улучшению социально-экологической ситуации. В этом направлении в нашей работы республике также осуществляются ПО улучшению инфраструктуры, развитию транспорта и других отраслей обслуживания организации на высоком уровне занятости фермерства, современному жилищному строительству.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в рамках направления "Развитие социальной сферы" Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах, утверждённой Указом Президента Республики Узбекистан за номером УП

утверждённой Указом Президента Республики Узбекистан за номером УП 4947 от 6 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан: № 291 от 9 сентября 2016 года «О Программе мер по комплексному развитию городов и районов Ташкентской области на 2016-2018 годы», № 139 от 4 мая 2016 года «О дополнительных мерах по улучшению обслуживания населения в сельской местности», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития

³ United Nations, Department of Economic and Social Affairs, Population Division. 2014. ⁴ Каримов И. А. Асосий вазифаларимиз – ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир – Т.: Ўзбекистон, 2010, б. 70.

науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики І. «Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В странах СНГ основоположником соответствующего направления в социально-экономической географии считается профессор Московского государственного университета С.А.Ковалёв. Он в период 1946-1963 гг. в своей кандидатской, а затем докторской диссертациях, в ряде монографий и научных статей обосновал географию сельской местности (расселения) в качестве отдельного научного направления и разработал методологию исследований в данной сфере.

В дальнейшем значительные исследования в соответствующем направлении проводили и продолжают осуществлять такие специалисты географы, как Б.С.Хорев, А.И.Алексеев, И.К.Орфанов, Т.Г.Нефёдова, Е.Е.Лейзерович, О.С.Русинова и другие учёные. В Узбекистане географические аспекты социально-экономического развития сельской местности рассматриваются в работах З.М.Акрамова, Р.Валиевой, Э. Ташбекова, Г.Р. Асанова, О.Б. Ата-Мирзаева, Ю.И. Ахмадалиева, Е.К.Умарова, А.С.Салиева, А.А.Каюмова, М.И.Назарова. В годы независимости в рамках своих кандидатских диссертаций проблемы развития сельских территорий изучали Р.Й.Махамадалиев, М.И.Назаров, А.Сатторов. Отдельно взятые сельские административные районы выступали объектами диссертационных исследований К.Гадоева, Ж.Мусаева, Х.Омонова. Институтом Прогнозирования и Макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан подготовлены и изданы разработки по проблемам социально-экономического развития Джамбайского района Самаркандской области и Муйнакского района Республики Каракалпакстан.

В работах отмеченных выше исследователей рассмотрены либо вопросы развития и размещения сельских поселений отдельных областей страны, либо проблемы социально-экономического развития конкретных низовых административных районов. Однако в отечественной социально экономической географии сельские административные районы как своеобразные территориальные социально-экономические системы мало изучены.

Связь диссертационного исследования с планами научно исследовательских работ высшего образовательного и научно исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационное исследование выполнено в рамках государственного

гранта фундаментальных исследований Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека ОТ-Ф6 045 «Географические проблемы социально-экономического развития регионов Узбекистана» и в соответствии с приоритетными направлениями исследований кафедры географии НУУз.

Целью исследования является раскрытие территориальных особенностей социально-экономического развития сельских районов

22

Республики Узбекистан и разработка предложений и рекомендаций по решению имеющихся проблем.

Задачи исследования:

выделить основные направления экономико- и социально географических исследований в Республике Узбекистан и проанализировать тенденции их развития;

проанализировать и систематизировать научно-методологические основы экономико-географического изучения малых территорий; разработать методику оценки экономико-географического потенциала сельских районов республики, интенсивности использования экономических ресурсов в региональной экономике и её важнейших отраслях — сельском хозяйстве и промышленности;

выполнить группировку и типологию сельских раойнов республики с точки зрения форм сельского расселения;

провести анализ и оценку социально-экономического развития сельских районов на примере Хорезмской области;

раскрыть свойство иерархичности территориальной организации социальной сферы;

определить социально-экономические и экологические проблемы развития сельских районов республики и разработать научно-практические предложения и рекомендации по их решению.

Объектом исследования выступает социально-экономическое развитие сельских районов Республики Узбекистан.

Предмет исследования составляют факторы, процессы и проблемы социально-экономического развития сельских административных районов страны.

Методы исследования. В диссертации использованы сравнительно географический, статистический, картографический, математический, исторический, типологический и другие методы. Карты составлены с применением специальных программ Corel DRAW и Mapinfo.

Научная новизна диссертационного исследования заключается в следующем:

усовершенствованы научно-методологические основы крупномасштабных экономико-географических исследований сельских районов;

усовершенствованы методика оценки экономико-географического потенциала сельских районов и определения уровня его использования на

основе предложенной совокупности индикаторов и индексов;

определены формы размещения сельских населённых пунктов, возникшие в сельских районах республики в различных физико географических условиях;

обоснованы критерии определения экономической активности сельских районов Узбекистана и метод её рассчёта;

разработаны научно-практические предложения и рекомендации по социально-экономическому развитию сельских районов и их

административных центров.

Практические результаты исследования заключаются в следующем: предложена методика оценки экономико-географического потенциала сельских административных районов, уровня использования экономических ресурсов в их хозяйстве в виде комплекса специальных количественных показателей (индексов);

разработана классификация сельских районов Республики Узбекистан с точки зрения структурной организации и специализации хозяйства в современных условиях на основе количественных критериев;

